
ДХХ КУБОГИНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲАР БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Марғилон шаҳридаги “Атласчи” ўйингоҳида спортнинг “Мини футбол” ва “Футбол” турлари бўйича ДХХ кубоги мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Жорий йилнинг апрель ойида старт берилган ушбу мусобақа шаҳардаги 56 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 10000 нафардан зиёд 16-30 ёшдаги уюлмаган ёшларни қамраб олди.

Шиддатли ва мурасасиз ўтган баҳсларда спортнинг “Мини футбол” ва футбол тури бўйича ғолибликни қўлга киритган маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари беллашиб яқунда:

“Мини футбол” тури бўйича 1-ўрин “Янги боғ” МФЙ 2-ўрин “Чароғон” МФЙ 3-ўрин А.Яссавий МФЙ

“Футбол” тури бўйича 1-ўрин А.Яссавий МФЙ 2-ўрин “Терак таги” МФЙ 3-ўрин Галатой” МФЙ

Қизлар ўртасида “Мини футбол” тури бўйича 1-ўрин “Милтиқсоз” 2-ўрин “Галатой” 3-ўрин “Ватан” жамоалари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди.

Шунингдек, имконияти чекланганлар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаларида 1-ўринни “Янги боғ” МФЙдан Боқижон Абдуқайумов, 2-ўринни “Галатой” МФЙдан Муҳторжон Хўрабоев, 3-ўринни “Турон” МФЙдан Азимхон Кимсанбоевлар қўлга киритишди.

Тақдирлаш маросимида шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов, сектор раҳбарлари, ДХХ Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи Ойбек Фармоновлар иштирок этиб, ушбу мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар ҳамда фаол иштирок этган иштирокчиларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширдилар.

2024-05-30 20:43:30